

# ПАХТАКОР, ҒАЙРАТ — ШИЖОАТИНГГА БАЛЛИ

КЕЧА ОБЛАСТИМИЗДА ЙИЛЛИК ПЛАННИНГ 3,22 ПРОЦЕНТИ МИҚДОРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАНДИ. ОҚЎРҒОНЛИКЛАРГА ОФАРИН. УЛАР КУНЛИК ЎСИШДА ЭНГ ЮҚОРИ НАТИЖАГА ЭРИШИБ, 4,59 ПРОЦЕНТ МИҚДОРИДА ПАХТА СОТДИЛАР. ЎРТА ЧИРЧИҚ ВА ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР МЕХНАТДА АЖОЙИБ НАМУНА КЎРСАТМОҚДАЛАР. ЎРТА ЧИРЧИҚЛИКЛАР 3,62, ЯНГИЙЎЛЛИКЛАР 3,29 ПРОЦЕНТ ЎСИШГА ЭРИШДИЛАР. БЕКОВОД, БЎНА, ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ ПАХТАКОРЛАРИ, ОТНИ ҚАМЧИЛАНГ. ИЛҒОРЛАРДАН НАМУНА ОЛАЙЛИК. ТЕРИМ СУРЪАТИГА СУРЪАТ ҚЎШАЙЛИК.

БУТЎН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

## ТОШКЕНТ ХАКИКАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЪ КОМИТЕТИ  
ВА МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЪ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

## ШОМИРЗА МИРЗАЕВ ЗВЕНОСИ МАРРАГА ЕТДИ



Ўрта Чирчиқдан хушхабар келди. Областда биринчи бўлиб машина теримига тушган «Партия XXII съезди» колхозининг Шомирза Мирзаев бошлиқ звено деҳқонлари биринчи бўлиб маррага етиб келди. Пахта йиғим-терими қисқа муддатда ушшоқдлик билан ўтказилди. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар ёрдамида териб олинди.

Звено пахтакорлари юбилей йилида эрта баҳордан оқ зималарига улкан мажбуриятлар олиб меҳнат қилдилар. Ўзлари қарашли 30 гектар пахта майдонидagi ҳар бир тул ғуза меҳр билан парвартиш қилинди. Ҳосилнинг тез етилиб, эрта пилиш учун барча резервлар ишга солинди. Натижа кутилганидан ҳам зиёда бўлди. Гектаридан 22 центнер ўрнига 22,7 центнердан юқори «сифатли пахта йиғиб олинди».

Пахта майдонидagi барча ҳосилни машиналар билан йиғиб-теримга аҳд қилган деҳқонлар пахтанинг 90 процентини машиналар билан териб олдилар. Звено бошлиғи Шомирза Мирзаевнинг ўзи ҳозиргача хирмонга 55 тонна «оқ олтин» тўтди.

Йиғим-терим ишлари тобора қизғин тус олдиряётган шу кунларда звено азаматлари йиғим-теримни тобора кучайтирмоқдалар. Даладаги ҳосил чўғи чакки эмас. Ана шуни ҳисобга олган коллектив аъзолари яна давлатга ҳар гектар ерда 13 центнердан «оқ олтин» топширишга қарор қилдилар. Улар доҳиймиз В. И. Ленин тугилган кунинг 100 йиллик қутлуғ тўйи бўладиган йилда барча меҳнат зафарларимиз ана шу тўйга муносиб совға демоқдалар.

Шу инят билан пахта теримини бўшаптирмай олиб бораётган звено деҳқонлари ҳар бир грамм пахта учун қатъий курашмоқдалар. Бу азаматлар эрта-кичирини социалистик мажбуриятнинг бажарилганлиги ҳақида ғалаба рапорти берадилар.

Суратда: Звено бошлиғи Шомирза МИРЗАЕВ.

А. Абалая фотоси.

16 ЙИЛ ЧИҚИШИ  
№ 198 (4189)  
7  
ОКТАБРЬ  
СЕШАНБА  
1969 ЙИЛ  
Баҳоси 2 тийин

|                                                                                                                                                                                            |      |       |      |       |
|--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|------|-------|------|-------|
| 356.000                                                                                                                                                                                    |      |       |      |       |
| ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА 6 ОКТАБРГАЧА БЎЛГАН МАЪЛУМОТ                                                                                                    |      |       |      |       |
| Биринчи стун — районлар, иккинчи стун — бир кунда, учинчи стун — мавсум бошидан бери, тўртинчи стун — бир кунда машинада терилгани, бешинчи стун — мавсум бошидан буйи машинада терилгани. |      |       |      |       |
| Янгийўл                                                                                                                                                                                    | 3.29 | 30.55 | 2.58 | 12.74 |
| Оқдўғон                                                                                                                                                                                    | 4.59 | 28.90 | 4.53 | 26.03 |
| Ўрта Чирчиқ                                                                                                                                                                                | 3.62 | 22.72 | 2.81 | 13.61 |
| Ормониндиз                                                                                                                                                                                 | 2.87 | 22.11 | 3.30 | 10.00 |
| Бекобод                                                                                                                                                                                    | 1.93 | 16.98 | 0.85 | 3.22  |
| Бўна                                                                                                                                                                                       | 2.57 | 13.82 | 1.89 | 6.40  |
| Юқори Чирчиқ                                                                                                                                                                               | 2.50 | 10.01 | 3.07 | 6.55  |
| Область бўйича                                                                                                                                                                             | 3.22 | 22.04 | 2.76 | 13.33 |

ЮМОНА УЧУН

## ДЎСТОНА ТАБРИК

Л. И. Брежнев, Н. В. Подгорный, А. Н. Косигин уртоллар Германия Демократик Республикасининг 20 йиллиги муносабати билан В. Ульянов, В. Шолохов, Г. Гегетинг, Э. Коренс уртоллари табриқнома айландилар. Азиз уртоллар, дейилди табриқномада. Германия Демократик Республикасининг шонли 20 йиллиги кунда Совет Иттифоқи Коммунистлар партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, Совет Иттифоқи Хукумати ва халқларининг самимий кутловларини қабул этгайсизлар. Биз сизларни, Германия Бирлашган Социалистик партиясини, қардош Германия Демократик Республикасининг давлат органларини, жамоат ташкилотларини ва барча граждандарини қизғин табриқлаймиз.

1949 йил 7 октябрда биринчи социалистик герман давлати ташкилотиди. ДР халқи йигирма йилдан бери ўзи танлаб олган социалистик йўлдан қатъийат ва ишонч билан бормоқда.

Утган 20 йил партияларимиз ўртасида, давлатларимиз ва халқларимиз ўртасида дўстлик ва энг яқин ҳамкорлик йиллари бўлди. Самимият, ишонч ва узаро ҳурмат билан сулоҳиланган дўстликнинг асоси бўлган сулоҳиланган иттифоқимиз ва революцион бирдариликнинг, мақсададорлигининг, хавфсизликнинг, таъдирларимизнинг узвий муштараклигининг ифодасидир.

Тугилган кунининг 100 йиллигини жаҳон халқлари нишонлаётган улуғ Ленин давлатимиз меҳнатшароитини немис ишчилар синфи билан қардошларча иттифоқини мустақимлашга даъват қилган эди. Совет ишчилари Лениннинг бу васиятига содиқ бўлиб нелмоқдалар. Улар Германия Демократик Республикасини билан ҳамма соҳалардаги қардошлик муносабатларини мустақимлашга қаратилган йўлдан бундан бун ҳам ўткази берадилар. Социалистик герман давлатининг душманлари ва гангилари шуни билиб қўйсиналарки ана шу ғалабаларга, унинг чегаралари даҳисиз.

СОВЕТ ПАРТИЯ-ХУКУМАТ ДЕЛЕГАЦИЯСИ БЕРЛИНГА КЕЛДИ

БЕРЛИН, 6 октябрь. (ТАСС). КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев бошчилигидаги Совет партия-хукумат делегацияси Германия Демократик Республикасининг 20 йиллиги байрағига қатнашмоқ учун кеча Берлинга келди.

Делегация составида КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Министрлар Совети раисининг ўринбосари Н. А. Тихонов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССР Мудоффа Министрининг биринчи ўринбосари Совет Иттифоқи маршали И. И. Якубовский, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Беларуссия ССР Министрлар Советининг раиси Т. Я. Киселев, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, Украина Коммунистик партияси Марказий Комитетининг иккинчи секретари И. К. Лутак, ВЛКСМ Марказий Комитетининг биринчи секретари Е. М. Тажетдинов, КПСС Марказий Комитети аъзоси, кандидат, КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари П. Ф. Демидов, КПСС Марказий Комитетининг аъзоси, СССРнинг Германия Демократик Республикасидаги элчиси П. А. Абрамов бор.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советида

## АНДИЖОН СУВ ОМБОРИНИ ҚУРИШ ТЎҒРИСИДА

омборида 900 миллион кубометр оби-ҳаёт тўплансин;

Асосий қурилиш-монтаж ишлари планнинг бажарилишига ишон берадиган тайёргарлик даяри объектлари қурилишга ҳар йили акратилгандаги капитал маблағлар ҳажми кўрсатилган.

Республика Давлат план комитетида, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг моддий-техника таъминоти Бош бошқармаси ва «Ўзгеликтехника» республика бирлашмаси 1971 йилдан бошлаб ишларнинг физик берилиги ҳақида моддий-техника ресурслари акратили, 1970 йилда эса муайян мақсадлар учун зарур ускуна ва материаллар акратили, 1970—1971 йилларда эса жами саҳни 15 минг квадрат метр бўлган стандарт ёғоч уй-жой акратили топширилади.

Республика Давлат план комитетида қурилиш 1970 йилда телефон кабели, автобуслар, автокранлар, ағдарма машиналар ва автомашиналар билан таъминлаш топширилди.

Мелиорация ва сув хўжалиги министрида, «Ўзгеликтехника» ва «Среднеазиатский» лойиҳа институтига қуйидагилар тақдир этилди:

1969 йилнинг биринчи декабрга қадар қурилишнинг аниқланган календар планини ва тармоқ графикаларини ишлаб чиқиш ҳамда қурилишга 1970 йил иш ҳажми учун смета ҳужжатларини, иш чизмаларини ва сметани етказиб бериш; Ан-

дижон сув омбори қурилиши ҳузуридаги иш лойиҳалари бўлимини мутахассислар билан мустақимлаш, Тополино посёлкасида «Среднеазиатский» институт ходимлари учун учта 16 кадарлик уй қуриш, «ИИИСтропроект» институтига шу йилнинг биринчи декабрга қадар иш чизмаларини ва 15 декабрга қадар бетон-шағал хўжалиги биринчи навбатининг реконструкцияси учун сметаларини етказиб бериш, шуниқдек ана шу хўжалиқнинг иккинчи навбати учун иш чизмалари ва ускуналар учун махсус буюртмалар тайёрлаб бериш топширилди.

«Ўзгеликтехника» институтига сув омбори қурилишга дахлдор бўлган территориялар ва хўжалиқларни ташкил этиш учун лойиҳа ҳужжатлари етказиб бериш тақдир қилинди. «Среднеазиатский» институтига қурилиш материаллари саноати министрига ва ЎзССР Министрлар Совети Қурилиш ишлари давлат комитетига тўғон қурилиш учун махсус цемент тайёрлаш учун техника шартлари ишлаб чиқиш топширилди, 1970 йилнинг биринчи кварталда махсус цемент ва бетоннинг сифати тадқиқ этилсин, уни ишлаб чиқиш масаласи ҳал этилсин, 1970—1971 йилларда Кувадой цемент комбинатида йилга 300 минг тонна махсус цемент ишлаб чиқаришни мўлжаллаб қурилиш-монтаж ишлари адо этилсин. Кувадой цемент

комбинатида қурилиш-монтаж ишларини бажариш Ўзбекистон ССР Қурилиш министрига тақдир этилди.

Ўзбекистон ССР Қурилиш министрига уй-жой қурилишлари қуриш, алоҳида Министрлигига телефон, диспетчерлик, селектор алоқа линиялари қуриш, телефон станциялари, коммунал-тўғон, радиоузелларини радиолангириш ва монтаж қилиш, Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрига саноат базаларининг технологик ва электротехник ускуналарини монтаж қилиш ва ишга тушириш учун содда ишлари, иссиқлик изоляцияси ва вентиляция ишлари, газопроводлар етказиб ва газификация ишлари топширилди. «Среднеазиатский» трестига электр ўтказиш линияларини қуриш, «Электросибмонтаж» трестининг ўтказиш монтаж участкасига электростанциялар қуриш ва реконструкция бекетини бошқармасига пармалаш, портқилиш; «Гидропроектстрой» трестининг Ушатиш ва цементлаш ишлари, туннел ва шотландлар қазил ишлари «Гидропроектстрой» трестининг Ўзбекистон монтаж участкасига минора кранларини, махсус қисқартириш, шитлар ва кўтарма механизмларини монтаж қилиш, «Казомонтажмашини» трестининг Ўрта Осиё монтаж бошқармасига контроль ўлчов приборлари ва саноат базаларининг автоматика воситаларини монтаж қилиш топширилди.

Республика Давлат план комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг профессионал-техника таълими. Давлат комитетида 1970 йилдан бошлаб ҳар йили Андижон сув омбори қурилишига 500 ёш қурувчи ва ёш механизаторларни ишга юбориб туриш тўғрисида тақдир қилиш тақдир этилди.

Ўзбекистон ССР Давлат план комитетида 1970 йилда олий ўқув юртилари ва ўрта махсус таълим билим юртиларини битирган кишилардан инженер-гидротехникларни, инженер-механикларни, инженер-иқтисодчиларни, гидро-техникларни ва саноат граждандарини бунча таълим қилишга Андижон сув омбори қурилиши ва «Среднеазиатский» институтига юбориб тўғрисидаги масалани кўриб чиқиш топширилди.

«Ўзгеликтехника» 1970—1971 йиллар мобайнида Андижон шаҳрида сув омбори қурилиши бошқармасининг раҳбарлари ва инженер-техник ходимлари учун иккита 52 кадарлик уй-жой қурилишга рухсат этилди. Андижон шаҳрида иккита комитетига ана шу уйларни қуриш учун ер акратиб бериш тақдир этилди.

1970—1971 йилларда тўғон ақинида хунар-техника билим юртиларини битириб ишга келганлар, студентларнинг қурилиш оtryдлариди аъзолари ва колхоз ва совхозлардан ишга жалб этилган меҳнатчилар учун 1500 кишига мўлжалланган ётоқхона қуриш қўзда тутилди.

«Ўзгеликтехника» ҳузурида йирик тўғонлар ва сув омборлари қурилиши бўйича бошқарма тўғилмоқда.

Қурилиш дирекцияси Андижон сув омборининг энергетика қурилиши ва сув хўжалиги қурилиши билан дирекцияси деб ўзгартирилди.

Ўзбекистон КП Андижон ва Фарғона область комитетларига ва областларнинг ижроия комитетларига сув омборини жадал қуриш ва қурувчи учун ҳаши уй-жой-маишай ва маданий шартлар яратиб бериш масаласини кўриб чиқиш топширилди. Қурилиш суръатини ошириш мақсадида 1970 йилнинг 1 январидан бошлаб областларнинг колхоз ва совхозлардан камида минг кишичи ва юқори маалаки инженер-техник ходимларини қурилишга жалб этиш қўзда тутилди.

Ўзбекистон ЛКМС Марказий Комитетида қурилиш оtryдлари олиқини кучайтириш тадбирларини ишлаб чиқиш тақдир этилди ҳамда студент оtryдларининг республика штеби билан ҳамкорликда ҳар йили қурилишга жами минг кишилик студент оtryдларини юбориб туриш тақдир этилди.

Тегишли министрига қурувчиларга маданий, маишай, медицина, савдо ва транспорт хизмати хизматини юзасидан тадбирларини бир ой мулатда ишлаб чиқиш топширилди.

Ўзбекистон КП Андижон область комитетида 1970 йилнинг 1 январидан бошлаб қурилишга рус ва ўзбек тилидада чиққан «Гидропроект» газетасини қўйтадан нашр этиш тақдир этилди.

Республика газеталарида ва Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг Радиошунтириш ва теле-видение давлат комитетига қурилишнинг боришини мунтазам ёритиб туриш, қурилиш пешкарларини ва новаторлари ишнинг кенг қўламда тарғиб этиш топширилди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Фарғона водийсининг партия, совет, касаба союз ва иқтисод ташкилотлари, колхозлар ва совхозлар, саноат корхоналари ва қурилиш ташкилотлари, республиканинг барча министрилари ва муассасаларининг фаол иштирокида Андижон сув омборини белгиланган муддатда муваффақиятли қуриб битказадилар, деб қатъий ишонч билдирадилар.

## ҚИММАТЛИ ТАШАББУСГА КЕНГ ЙЎЛ

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Тошкентдаги «Қизил тоғ» тикувчилик фирмаси коллективининг «Тошкент оқимони», «Нечерный Ташкент» газеталарининг шу йил 3 октябр соғида босилган мурожаати тўғрисида қарор қабул қилди.

Тошкентдаги «Қизил тоғ» тикувчилик фирмасининг коллектив В. И. Ленин тугилган кунининг юз йиллигини муносиб қутиб олиш ва беш йиллик планни муддатидан олдин бажариш учун социалистик мусобақани кенг авж олдириб, де-йилди қарорда, қабул қилинган социалистик мажбуриятларини бажаришда бир мунча ютуқларга эришиди.

В. И. Ленин тугилган кунининг юз йиллиги шарафига со-

циалистик мусобақа натижаларини яқинлаш тартиби тўғрисида ва голлиларни рағбатлантириш тўғрисида КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми, СССР Министрлар Совети ва Бутунити-фоқ касаба союзлари марказий советининг қарорини коллективда меҳнат гайратининг янги тўққинини кўзга тати.

Фирма коллективини ватанимиз пойтахти корхоналарида бошланган ватанпарварлик ташаббусини қўллаб-қувватлаб Ленин юбилейи арафасида—11 апрелда коммунистик шанбалик ўтказишга, тежаланган хом-ашё, материаллар ва электр энергия ҳисобидан шу кун беш йиллик фондига текни ишлаб бе-

ришга қарор қилди. Тошкент ва республика меҳнаткашлари мурожаат қилиб, уларни ҳам бундан ўрнак олишга тақдир қилди.

Фирма коллективини ўз резервларини ҳисоблаб чиқиб, 1969 йилда пландан таққари махсуслот чиқариш, меҳнат умумдорлигини ошириш, махсуслот тақдирини қамайтириш, хом-ашё, материаллар ва электр энергияни тежаш юзасидан қўшимча мажбуриятлар қолди.

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети қарор қилди:

1. Тошкентдаги «Қизил тоғ» тикувчилик фирмаси коллективининг Ленин юбилейи арафасида 1970 йил 11 апрелда

коммунистик шанбалик ўтказиш, беш йиллик фондига текни ишлаб бериш тўғрисида бошланган ташаббус ва 1969 йил учун қўшимча социалистик мажбуриятлар олганлиги маъқуллансин.

2. Область, шаҳар ва район партия комитетлари, Ўзбекистон касаба союзлари республика Совети, республика министрилари ва идоралари бу қимматли ташаббусни кенг ёнсинлар.

Республика газеталарининг редакциялари, Ўзбекистон ССР Министрлар Советининг радио ошитириш ва телевидение давлат комитетида «Қизил тоғ» тикувчилик фирмаси коллективининг мурожаатини кенг пропаганда қилиш топширилди.





